O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 17-FEVRAL ■ SESHANBA ■ 19 (27.194) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ:
ЯНГИ ФИКР, ЯНГИЧА ЁНДАШУВ САРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланиш якунларига баҳо бериш ҳамда 2004 йилги устувор вазифаларни белгилаб олиш бўйича шу йил 7 февраль куни бўлиб ўтган йиғилиши республика вазирлик ва муассасалари, шу жумладан Ташқи ишлар вазирлиги олдига қатор вазифаларни қўйди.

Шу муносабат билан Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган мажлисда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасининг асосий хулосаларига эътибор қаратилди.

«Президентимиз нутқида нафақат йил якунлари, балки жамиятимиз тараққиётининг умумий қонуниятлари, сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятлари яна бир карра очиб берилди. Шу билан биргаликда, маърузада ўтиш даврини бошидан кечираётган барча жамиятлар учун умумий бўлган муаммоларнинг чуқур назарий таҳлили берилди», деди жумладан ташқи ишлар вазири С.Сафоев.

Ички ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришлар, республика раҳбарияти томонидан қўйилаётган талаблар, қолаверса дунё геосиёсатидаги янгича тенденциялар Ташқи ишлар вазирлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни тақозо этади. Нотиқ айни хусусда тўхталар экан, бу энг аввало, иш услубини замон талаблари асосида шакллантириш ва такомиллаштириш, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш ва шу каби қатор омилларни ўз ичига қамраб олишини таъкидлади.

Мажлисда вазирликнинг 2003 йилги фаолияти сарҳисоб этилди, эришилган муваффақиятлар ва йўл қўйилган камчиликлар борасида атрофлича фикр алмашилди. Шунингдек, унда Ташқи ишлар вазирлиги олдида турган устувор вазифалар, амалга оширилиши зарур бўлган долзарб масалалар белгилаб олинди.

«Жаҳон» АА

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ:
ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Жойларда ўтаётган фаоллар йиғилишлари 2003 йилда вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни бажаришга асосий эътибор қаратилаётган ушбу йиғилишларда ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш, бой берилган марраларни эгаллаш, мавжуд нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланмоқда.

ГУЛИСТОН. Сирдарё вилоят ҳокими Р.Ҳайдаров бошқарган фаоллар йиғилишида ўтган йили иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни изчил давом эттириш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Иқтисодий ўсишнинг барқарор суръати таъминланди. Ялпи ички маҳсулот 102,5 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 104,2 фоизга, пулли хизматлар кўрсатиш 103,1 фоизга ўсди.

Бироқ иқтисодиётни ислоҳ қилишга қаратилган вазифаларнинг барчаси ҳам талаб даражасида эмас. Хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши тўла таъминланмади. Капитал қурилишда ислоҳотлар жараёни суст амалга оширилмоқда. Қишлоқда шартнома интизоми пастлигича қолмоқда.

Йиғилишда жорий йилдаги асосий устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди. Маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, бошқарувнинг ортиқча бўғинларини қисқартириш, моддий ресурсларни биржалар, кимошди савдолари орқали сотишни тўла йўлга қўйишнинг долзарб вазифалари белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

ЖИЗЗАХ. Фаоллар йиғилишида вилоятдаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги камчилик ва нуқсонлар хусусида ошкора сўз юритилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими У.Яманқулов бошқарди.

Ҳисобот даврида бюджет маблағларини асоссиз сарфлаш ҳоллари кузатилгани таъкидланди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқларини тиклаш борасида ҳам муаммолар мавжуд. Ер тақсимотида ўзибўларчиликка йўл қўйилгани танқид қилинди.

Камчиликлар бор, аммо эришилган ютуқлар ҳам кам эмас, дейилди йиғилишда.

Ўтган йили вилоятда ялпи ички маҳсулот ҳажми 107,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 114,1 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш 112 фоизга ўсди.

Саноатда, қишлоқ хўжалигида, маиший хизматда, савдода хусусий секторнинг улуши анча ошди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

✧✧✧

ҚАРШИ. Ўтган йили Қашқадарё вилоятида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш анча ўсди. Айниқса, саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми сезиларли даражада кўпайди.

Вилоят ҳокими Н.Зайниев бошқарган йиғилишда мавжуд муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, капитал қурилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, коммунал хизмат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ташкилотлар ўртасидаги шартнома интизоми, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди, уларни бартараф этиш йўллари аниқлаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойбергенов иштирок этди.

✧ ✧ ✧

НАВОИЙ. Йиғилишни вилоят ҳокими Б.Рўзиев бошқарди.

Ўтган йили вилоятда ялпи ички маҳсулотнинг умумий қиймати 2002 йилга нисбатан 3,9 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, капитал қўйилмалар ҳажми анча кўпайди.

Йиғилишда асосий эътибор ечимини кутаётган муаммоларга қаратилди. Ўтган йили хорижий сармоядорлар ўртасида жойлаштирилиши режалаштирилган 354,1 миллион сўмлик акция сотилмай қолди. Капитал қурилиш соҳасида ислоҳотлар суст олиб борилмоқда. Шартнома интизомига тўла риоя этилмаётир. Деҳқон ва фермерлар етиштираётган маҳсулотларни қайта ишлашнинг амалий тизими тўла яратилмаган. Кўпгина жойларда хўжалик бошқарувининг эскича усуллари ҳамон сақланиб қолмоқда. Вилоятдаги аксарият мактаблар ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг бугунги аҳволи талаб даражасида эмас.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоратадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

✧ ✧ ✧

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат Усмонова). Пойтахт фаолларининг шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов бошқарган йиғилишида Тошкентни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2003 йил якунлари таҳлил қилиниб, жорий йилдаги вазифалар белгилаб олинди. Шаҳарда асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўсиш суръатлари таъминланганлиги таъкидланди. Шаҳар инфратузилмасини яхшилаш, унинг ривожига хориж сармоясини жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Ҳисобот даврида шаҳар иқтисодиётининг барча муҳим тармоқларида ривожланишга эришилди. Тошкент шаҳри бўйича ички маҳсулот ҳажми 2002 йилга нисбатан 4,4 фоиз ўсди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ички маҳсулот ҳажми 4,6 фоиздан ошди. Саноат маҳсулоти ҳажми, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ортди. Янги йўллар, хиёбонлар, қатор меҳмонхоналар, қўшма корхоналар, таълим даргоҳлари, тураржой ва маъмурий бинолар, замонавий спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди.

Йиғилишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Хусусийлаштириш масалалари, хўжалик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатлардаги зиддиятлар, турли мулкчилик шаклида фаолият юритаётган айрим корхона ва ташкилотларнинг қимматли қоғозлари ҳануз эгасиз қолаётгани, капитал қурилиш тизимидаги таркибий ўзгаришлар бозор иқтисодиёти шароитига мос эмаслигига алоҳида эътибор қаратилди. Ўқув юртлари моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масалаларига жиддий аҳамият берилмоғи даркор.


✧ ✧ ✧

Шунингдек, Сурхондарё, Андижон, Наманган ва Хоразм вилоятлари фаоллари йиғилишларида ҳам ўтган йил якунлари жиддий таҳлил этилиб, 2004 йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА)



«ОЙИМТЕКСТИЛЬ» МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖГА ЧИҚАДИ



Жалақудуқ туманидаги Ойим қишлоғида «Ойимтекстиль» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси ишлай бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Низом жамғармаси 174 минг еврога тенг бўлган мазкур корхонанинг айнан шу ерда очилиши аҳоли, айниқса хотин-қизлар учун кафолатли иш ўринлари яратиш, кишилар турмуш даражасини янада юксалтириш ва маҳаллий инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилади.

Замонавий технологик жиҳозлар билан ускуналанган корхонада келгусида йилига 4365 тонна калава ва 4200 тонна оқартирилган газлама ишлаб чиқариш имкони бор. Бу — ҳар йили 13-15 миллиард сўмлик маҳсулот дегани. Энг муҳими, уларнинг асосий қисми экспорт қилинади.

— Шу кунгача 30 тоннадан кўпроқ маҳсулот ички бозорга сотилди, — дейди қўшма корхона бош директори Толибжон Мадаминов. — Швейцариянинг «Веладаре интернационал» фирмаси билан 350 тонна маҳсулот учун 619 минг АҚШ доллари миқдоридаги дастлабки экспорт шартномаси имзоладик... Тўққиз бўлимдан иборат ипкалава йигирув, трикотаж ва бўяш-оҳорлаш цехларимизда иш ҳар қачонгидан қизғин.

Дарвоқе, ҳозир корхонада 600 нафарга яқин ойимлик ишчи-хизматчилар (уларнинг кўпчилиги ёшлар) хорижлик мутахассислар билан елкама-елка меҳнат қилмоқдалар. Германия ва Швейцарияда малака ошириб қайтган етакчи муҳандислар уларга асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва созлаш ишларида сабоқ беришяпти. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда яна юзта янги иш ўринлари очилади.

Абдуғани СОДИҚОВ

✧✧✧

Суратларда: ишчилар (чапдан) Г. Аҳмадалиева, М.Шаҳобиддинова, Г. Бозорбоева ва Р. Мирзаевалар; қўшма корхона цехида.

Д. ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

АХБОРОТЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳамиятга молик ушбу ҳужжат ахборотлаштириш соҳасида муҳим ўрин тутади.

ЎзА мухбирининг Олий Мажлис Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси, ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси Изидор КОЧМАРИК билан суҳбати шу ҳақида бўлди.

— Изидор Андреевич, суҳбатимизни республикамизда ахборотлаштириш соҳасида мутлақо янги меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш жараёни кечаётганлигидан бошласак.

— Аввалambор шуни айтиш керакки, янги Қонун барча депутатлар томонидан маъқулланди ва Олий Мажлис бу муҳим ҳужжатни қабул қилди. Қонуннинг асосий мақсади — ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда ахборотлаштиришни ривожлантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратишдир. Бу вазифалар Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил май ойида эълон қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида баён этилган. Ушбу муҳим ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизда аҳолининг барча қатламлари ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиши учун шароит яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида республикада ахборотлаштириш тизимини янада такомиллаштириш зарурлиги масалаларига яна бир бор эътиборни қаратди.

Ўн иккинчи сессияда биринчи ўқишда маъқулланган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларга жўнатилди. Бундан ташқари, умумхалқ муҳокамаси учун мазкур қонун лойиҳаси «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида ҳамда Олий Мажлиснинг Интернетдаги махсус сайтида эълон қилинди.

Умуман, қўмитамизга юздан зиёд таклиф ва мулоҳаза келиб тушди, уларнинг аксарияти Интернет орқали электрон шаклда етиб келди. Барча таклифлар ишчи гуруҳ томонидан ўрганилди ва кўриб чиқилди.

— Ушбу таклифлар ҳамда қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Асосан, қонун тузилмаси ва моддаларнинг аввалги тартиби сақлаб қолинди. Бироқ, ҳозирда улар биттага кўпайиб, 23 тага етди. Депутатларнинг таклифига кўра ахборотлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви ҳақидаги меъёрлар мустақил моддага ажратилди. Ваколатли махсус орган ваколатлари қонуннинг 6-моддасида баён этилган.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати тўғрисидаги 4-моддага таҳририй ўзгаришлар киритилди. Давлат сиёсатининг кўрсатиб ўтилган ҳар бир йўналиши, шубҳасиз, жуда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг барчаси ҳозирги ва истиқболдаги вазифаларга жавоб беради. Шу боис келиб тушган таклифларнинг аксарияти замонавий ахборот технологиялари воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш каби муҳим йўналишларга тааллуқлидир.

3-моддада ахборот ресурслари ва тизимларининг «мулкдори» ва «эгаси» тушунчаларига аниқлик киритилди. Муҳокама иштирокчилари мазкур Қонунда «ахборот ресурслари ва тизимлари мулкдори» тушунчасини (юқорида айтилган икки тушунча ўрнига) қўллаш имкониятини қизғин муҳокама қилдилар, чунки «мулкдор» ва «эга» тушунчалари қонунда кўп ўринда бир-бирига мос келади. Бироқ, биз бу фикрга қўшилмадик, чунки Фуқаролик Кодексига мувофиқ «мулкдор» ва «эга» тушунчалари бир-биридан тубдан фарқ қилади, 11-модданинг 3- ва 5-қисмларида эса умуман мос келмайди.

«Ахборот ресурси» тушунчасига аниқлик киритилди, уларнинг моҳияти шундан иборатки, «ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси» ахборот ресурси ҳисобланади (бу ерда «электрон шаклдаги» сўзлари қўшилган).

2-бет

БУХОРОГА БОҒЛАР ЯРАШАДИ

Шарқ гавҳари қадимий Бухорода миллий байрамимиз — Наврўзга ҳозирлик кўтаринки руҳда бормоқда. Кўҳна шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётир. Хусусан, шаҳарнинг қадимий Қарши дарвозаси мавзесидаги Низомий кўчасини кенгайтириш, атрофини гулу гулзорга айлантириш ишлари якун орада ниҳоясига етади. Бундан ташқари, эски пахта тозалаш заводи ва унга ёндош ҳудудлар ҳам эрта-индин шаҳарнинг гўзал масканларидан бирига айланади. Бу ерда 7,5 гектарлик болалар истироҳат боғи барпо этиляпти. Ундан болалар ижодиёти уйи, интернет-кафе, ошхона, автоуловлар тўхташ жойи, замонавий арғумчоқлар ҳамда ҳовуз ва фавворалар ўрин олишининг ўзиёқ фикримиз далилидир. Янгидан бунёд қилинаётган хотира хиёбони, савдо мажмуи ҳам аҳолига кўп қулайликлар олиб келади.


Бу ишларда Галаосиёдаги 47-КМЖ, Жондордаги 52-КМЖ қурувчилари билан бир сафда вилоят ташкилотлари жамоалари ҳам фаол иштирок этмоқдалар, — дейди шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати Карим Камолов. — Эътиборлиси шуки, катта ҳажмдаги ишлар Наврўз байрамигача бекаму кўст бажарилиши керак. Чунки Бухорога мудом боғлар ярашган.

Даврон БАҲРОНОВ

Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

ДАВРОННИНГ ДОВРУҒИ

ТЎРТ ЙИЛ БУРУН УНИНГ ФАН НОМЗОДЛИГИ УЧУН ЁҚЛАГАН ИЛМИЙ ИШИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИГА САЗОВОР БЎЛДИ. БУ — ФАНИМИЗ ТАРИХИДА НОЁБ ВОҚЕА.



Ўзбекистон дунёга не-не олимлару шоирларни, ҳакимлару алломаларни тарбиялаб берган юрт. Халқимиз тарихи билан қанча фахрлансак арзийди. Чунки сўз санъати, математика, физика ва тиббиёт, фалсафа ва минерология, астрономия ва қомусшунослик фанларига илк бор шу заминда асос солинди.

Бугун ҳам истиқлол шарофати билан мамлакатимизда илм-фанга эътибор кучаймоқда. Истеъдодли ёшларимиз ўз билимлари билан мўъжизалар яратиб, жаҳоншумул кашфиётлар яратмоқда. Ана шундай ёшлардан бири Давронбек Матрасуловдир. У 1989 йил Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг физика факультетига ўқишга кириб, мудддатидан олдин — 4 йилдаёқ муваффақиятли тамомлади. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлимига ишга таклиф қилинди. Бахтни қарангки, унинг илмий ишига йирик олим, иссиқлик физикаси бўлими раҳбари, академик Пўлат Ҳабибуллаев раҳбарлик қилди. Изланувчан ёш илмий ходим «Оғир ионларнинг тўқнашуви» мавзуида тажриба олиб борди. (Бу мавзуда ҳозир Швейцариянинг CEPN, Германиянинг CBL (Дарштут) илмий марказларида ҳам тажрибалар ўтказилмоқда).

Юртдошимиз олиб бораётган тадқиқот кўпчиликда қизиқиш уйғотиб қолди. Илмий ишига Канададан Альберто университети профессори Ф.С.Кханна, Япониядан Кебе университети профессори Т.М.Морий, россиялик физик олим, профессор Б.М.Смирнов ижобий тақризлар жўнатишди. Пировардида, таниқли мутахассислар ва хорижлик олимлар унга бир йўла фан докторлиги илмий даражасини бериш тўғрисида якдил тўхтамга келишди. 2000 йилнинг 1 февралида Ўзбекистон фани тарихида илк бор фан номзодлиги учун ёқланган диссертацияга фан доктори деган илмий унвон берилди. Фан оламидаги бу янгилик шубҳасиз мустақиллик шарофатидир.

Ёш олимнинг асосий иш жойи институтнинг истиқболли тадқиқотлар лабораторияси. Лекин шу кунларда грант бўйича Япониядаги Токай университети билан ҳамкорликда илмий тадқиқот олиб бормоқда.

Гап шундаки, у ўтган йили «Matsumaye» жамғармасининг халқаро грантини қўлга киритган. 50 дан ортиқ мақолалари хорижий журналларда эълон қилинган. Яна унинг инглиз, француз ва турк тилларида бемалол мулоқот қила олишини айтмайсизми!

— Дунё физиклари олдида бугун квант компьютерларини яратишдек муҳим вазифалар турибди, — дейди Давронбек Матрасулов. — Ваҳоланки, бундан йигирма йил илгари у ушалмас орзу эди. Яна 5-10 йилдан сўнг бундай компьютерлар ҳаётга кириб келиши муқаррар. Улар ҳозиргилардан 100 миллион марта аниқ ва тез ишлайдиган бўлиши шаксиз. Физикларни ўйлантириб келаётган яна бир муаммо: «Динамик хаос» ҳодисаси. Агар бу муаммо ҳам ечимини топса нафақат табиий фанлар, балки экология, иқтисод, астрономия ва космонавтика ҳам фойда кўради...

Илм-фан ривожи истеъдод ва салоҳият билан, деган гап бор. Шундай экан, Давронбек Матрасуловдек бугунги ўзбек ёшлари миллатимиз фахри, ифтихоридир.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGANAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

АХБОРОТЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Яъни ахборотни тақдим этиш шакли аниқлаштирилган. Бундан ташқари, бу моддада «ахборот инфратузилмаси» тушунчаси қисқартирилган, чунки бу термин қонуннинг ҳозирги таҳририда ишлатилмайди.

Ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тоифалари тўғрисидаги 11-модданинг тўртинчи қисмига ўзгартишлар киритилди. Унга кўра нафақат ахборот ресурсларининг мулкдорлари, балки эгалари ҳам ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидан юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида эркин тарзда фойдаланишини таъминлаши керак.

Ахборот тизимларининг техника воситаларини сертификатлаштириш тўғрисидаги 17-моддага мувофиқ биринчи ўқишдаги лойиҳадан фарқли ўлароқ ахборот тизимларининг барча техника воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши шарт эмас. Унга давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек, мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозимлиги ҳақида муҳим қўшимча киритилди. Бу билан қўшимча давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ресурслар билан ишламаётган ахборот ресурсларининг мулкдорлари ва эгаларига техника воситаларини танлаш ва улардан фойдаланишда эркин бўлиш имконияти яратилди.

20-модданинг биринчи қисмида ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш мезонларига аниқлик киритилган. Бу аниқликнинг моҳияти шундан иборатки, ғайриқонуний муносабатда бўлиш билан мулкдорлари, эгалари ёки бошқа юридик ва жисмоний, яъни учинчи шахсларга зарар келтириши мумкин бўлган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларигина муҳофаза қилиниши лозим.

Ушбу модданинг ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилишни таъминлаш ҳақидаги иккинчи ва тўртинчи қисмларида «фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборот» сўзлари «давлат сирлари ва махфий сирлар тўғрисидаги ахборот» сўзлари билан алмаштирилган.

21-модданинг иккинчи қисмидаги «фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборотни ишловдан ўтказувчи ахборот тизимларининг уланиши» сўзлари бу меъёрнинг маъносини аниқ етказиб бера олмаётган эди. Бир гуруҳ депутатларнинг таклифига кўра бу қисм шундай таҳрирда берилди: «Эркин фойдаланиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларини ўз ичига олган ахборот тизимларининг халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши фақат зарур муҳофаза чоралари кўрилгандан кейин амалга оширилади».

Муҳокама чоғида Қонуннинг ахборотни муҳофаза қилишга оид меъёрлари катта қизиқиш уйғотди. Барча келган таклифлар кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, Қонун концепциясига мувофиқ, жаҳон мамлакатларининг кўпчилигида қабул қилинганидек, таркибида ахборот жойлаштирилган ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилиниши лозим. Бу муаммога бизда шахс, жамият ва давлат ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилиниши лозимлигини белгиловчи 19- ва 20-моддалар бағишланган. Ахборотни асл кўринишида, яъни ахборот ресурслари ва тизимлари доирасидан ташқарида муҳофаза қилиш «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда кўриб чиқилган ва унинг меъёрлари билан тартибга солинади.

Ахборотни ҳужжатлаштириш, уни ахборот ресурсларига киритиш, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартибига тааллуқли кўпгина таклифлар қонун ости ҳужжатларига мансуб бўлиб, тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўлланади.

Шу билан бирга бир қатор таклифлар ахборотлаштириш соҳасида амалдаги қонунчиликнинг асосий қоидаларини тушунтириш бўйича катта ишлар қилиниши зарурлигини кўрсатди.

Келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар устида ишлаш ишчи гуруҳига ҳар бир модда, ҳар бир меъёрнинг мазмунини яна бир бор танқидий кўриб чиқиш имконини берди.

— Мазкур Қонунда қандай янгиликлар бор?

— Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун мавжуд ҳуқуқий база билан биргаликда Миллий ахборот ресурслари ва тизимларимизни шакллантиришни давом эттириш ва муҳофаза қилиш учун ҳуқуқий асос яратади, ҳар бир фуқаронинг ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди.

Қонунни тайёрлашда АҚШ, Германия, Япония, Россия ва бошқа мамлакатларнинг ахборотлаштириш соҳасидаги қонунчилиги ва иш тажрибаси ўрганиб чиқилди. 2000 йил 22 июнда қабул қилинган глобал ахборот ҳамжамиятининг Окинава хартияси асосий қоидалари инобатга олинди ҳамда бошқа халқаро ҳужжатлар ва МДҲ давлатлари қонунчилигидан фойдаланилди.

Ўйлайманки, мазкур Қонун мамлакатимизда Ўзбекистон халқининг манфаатларига ҳамда тегишли халқаро даражага мос келадиган янги ҳуқуқий тармоқни шакллантириш учун зарур шароит яратади.

Суҳбатдош: Турсунбой БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

"ЁШЛАР УМИДИМИЗ,

КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ МАРКАЗИ ҒАЗАЛКЕНТДА ЁШЛАР ҲАМДА «ТОВОҚСОЙ» СИҲАТГОҲИДА НУРОНИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ



Меҳр ва мурувват туйғулари юрак амри ила туғилади. Кимгадир кўрсатилган ғамхўрлик, айтилган ширин сўз, улашилган иззат-икром ўша одамлар қалбида абадий қолади. Яхшилик кўрган инсон эса бошқаларга ҳам эзгулик улашади. Орзу-умидлар ортидан эргашади. Яхшилик одамлар кўнглига нур, ёруғлик бахш этади.

Бўстонлиқ мамлакатимизнинг энг сўлим гўшаси, дарёлар дарёлар билан учрашадиган, тоғлари тоғларга салом берадиган, қояларда мангу қор турадиган, гўзалликка бурканган диёр.

Учрашув бошланиши олдидан туман раҳбарлари қилинаётган ишлар, вазифалар ҳақида тўхталишди. Ўтган йили туман марказида қурилган академик лицей биноси, у ерда яратилган шароитлар ҳақида гапиришди. Дарҳақиқат, бу билим даргоҳида ёшлар пухта таълим олишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Туман фаолларининг қай бири билан суҳбатлашмайлик, улар яқинда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Юртбошимиз айтган сўзлар ҳақлиги, тумандаги камчиликларда катта-кичик ҳар бир раҳбар ва фаолларнинг ҳам айби борлиги тўғрисида гапиришди.

Айни кунларда маҳаллаларни обод қилиш, Наврўзга тайёргарлик ишлари қизғин бораётган экан.

Ёшлар тўпланган муҳташам саройдаги учрашув самимий руҳда ўтди. Унда сўз олганлар мамлакатимизда баркамол, соғлом авлод тарбияси йўлида олиб борилаётган ишлар ҳақида очиқ мулоқот қилдилар.

Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси Машкура Сафаева, Оила ва аёллар муаммолари комиссияси аъзоси Гулнора Йўлдошева, ЎзХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов, Бўстонлиқ тумани ҳокими Қамбарали Эшонқулов, ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамовлар Президентимиз ва халқимизнинг ёшларимиздан умиди жуда катта эканлиги ҳақида гапирдилар.

«Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент вилоят филиали директори Гулсанам Ваҳобова ёшларга совғалар топширди. Шеърлар ўқилиб, таниқли санъаткорлар томонидан қўшиқлар ижро этилди.

Худди шундай тадбир Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли «Товоқсой» уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳида ҳам бўлиб ўтди. Бу ерда дам олаётганларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус шифокорлар гуруҳи ташкил этилди. Республика ихтисослаштирилган Кардиология марказининг лаборатория мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Озод Хўжаев раҳбарлигида 2-Тошкент умумий амалиёт шифокорлари кафедраси профессори Умида Комилова, шифокорлар Зулфинисо Пўлатова, Баҳодир Ғаффоровлар сиҳатгоҳда дам олувчиларни тиббий кўрикдан ўтказдилар. Уларга зарур маслаҳатлар бердилар. Махсус жиҳозланган машинага ўрнатилган асбоб-ускуналар ёрдамида беморларга ташхис қўйилди. Баъзиларига шифохонада ётиб муолажа олиш тавсия қилинди.

Шундан сўнг бошланган маданий-маърифий учрашувни партия Бўстонлиқ туман кенгаши биринчи котиби Рихсибой Маҳаматов очди. У бугунги кунда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирди. Сўз **ЎзХДП МК биринчи котиби Аслиддин РУСТАМОВ**га берилди:

— Ўтган йилнинг 5 декабрида Конституциямизнинг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз Ислом Каримов 2004 йилни мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилдилар. Президентимизнинг бу таклифлари замирида ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаслиги, эътибордан четда қолмаслиги керак, деган эзгу ғоя мужассамлашганлиги учун у халқимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ҳар бир оила, ҳар бир инсон, уларнинг миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, фаровон ҳаёт кечириш учун кенг имкониятлар яратиш, ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тарафдоридир, деб айтилган. Биз ана шу қоидага баҳоли қудрат амал қилмоқдамиз.

Партиямиз сиз азиз нуронийларнинг халқ хўжалигининг турли соҳаларида астойдил меҳнат қилиб, Ватанимизнинг равнақи, халқимизнинг турмушини яхшилаш учун, тинч-омон, фаровон яшашимиз учун катта ҳисса қўшганликларингизни, айримларингиз ҳозир ҳам меҳнат қилишни давом эттираётганликларингизни биламиз ва чуқур миннатдорчилик билан қадрлаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, барчаларингизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга қутбарака тилаймиз.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазасига катта эътибор қаратилмоқда. Фахрийлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ҳамиша ардоқда. Биргина «Товоқсой» сиҳатгоҳида 300 нафардан зиёд мана шундай инсонлар дам олишмоқда. Уларга йўлланмалар бепул берилади. Ўтган йили сиҳатгоҳда 550 ўринли ошхона ишга туширилди. 2004 йилда эса иккита бино тўлиқ таъмирланади. Чойхона қурилиши тугалланади. 500 дан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар экиш режалаштирилган.

Долзарб мавзу

БИР ДОНА БУҒДОЙНИНГ КАТТА ХИРМОНИ



«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 22 январь сонидаги «Бир бошоқ дон, бир сават нон» мақоласида халқимизнинг нонга ва унинг ушоғига бўлган эъзози, ғалла экилган майдонларнинг пайҳон қилинишининг уволи ҳақидаги теран ва таъсирчан мушоҳадалар бир томондан киши дилини ғурурга тўлдирса, яна бир томондан эл ризқининг моллар туёғи остида нобуд бўлаётганлиги нафратингизни қўзғайди. Бирини кўриб фикр қил, бирини кўриб шукр, деб шунга айтсалар керак. Мақола туртки бўлиб, унда кўтарилган долзарб масалаларга ўз кузатишларим асосида мулоҳазаларимни баён қилишни жоиз кўрдим.

Келинг, бу борадаги таҳлилимизни кичик бир рақамдан бошлайлик. Мутахассислар фикрича, бир квадрат метрда 400 дона атрофида ғалла ниҳоли ва 500-600 дона буғдой бошоғи пишиб етилади. Бу донлар унга айлантирилиб, нон тайёрланса, уч-тўрт кишидан иборат оилага бир кунлик ризқ-рўзи бўлади.

Энди тасаввур қилиб кўринг, ана шу бир квадрат метр жойдаги ниҳол нобуд бўлди. Бу бир оиланинг бир кунлик ризқ-насибаси қирқилди, дегани эмасми? Агар шундай ҳол бир гектар майдонда содир бўлса-чи? Бир гектар ердан ҳозир ўртача 40 центнердан буғдой олинаётганлигини назарда тутсак, бу 4 тонна сара дон ва ундан 3000 килограмм ун ҳосил бўлади...

Тошкент шаҳридаги «Ҳикматли нон» корхонаси иқтисодчиси Шерзод ЭРГАШЕВ фикри:

— Бир килограмм ундан икки буханкадан сал ортиқ, юз килограммидан 227, 6 та, бир тоннасидан 2276 дона, уч тоннасидан эса 6830 дона буханка нон тайёрланади. Тиббий меъёрларга мувофиқ, уни ҳар бир кишига тақсимласак, бу 13,5 минг нафардан зиёдроқ кишини таъминлайдиган бир кунлик неъмат экан. Демак, бир гектар ердаги ғалланинг нобуд бўлиши кичик бир шаҳарга аҳолисининг бир кунлик ризқ-насибадан бебаҳра қолдиришга олиб келаркан. Ишонгингиз келмайди-а?

Бу ҳали масаланинг бир жиҳати. Иккинчи томони шундаки, ана шу бир гектар ерни ҳайдаш, текислаш, бароналаш, мола босиш, экишдан олдин ўғитлаш, уруғ ва уни қадаш учун ўртача 108 минг сўмлик сарф-харажат кетиши ҳам бор. Қилинган шунча меҳнат ва харажатнинг моллар туёғи остида топталиши ва осмонга соврилиб кетиши деҳқон меҳнатига хиёнат, жиноят устига жиноят эмасми?

Республика Ички ишлар вазирлиги маълумотлари шуни кўрсатдики, ўтган йилнинг охирги ойлари ва шу йилнинг бошида 54,6 гектар майдондаги ғалла пайҳон қилинган. Агар ундан ҳосил бўлиши мумкин бўлган буғдойни ҳисоблайдиган бўлсак, бу оз эмас-кўп эмас — 218 тонна-қанча? Бунинг тутадиган уволи, гуноҳи азми ҳақида ўйлар экансиз, қўрқинчли туш каби яқин тарих воқеалари ёдга келаверади.

ХОТИРАЛАР

Абдуғани ЙЎЛЧИЕВ: — Бир бурда нон қадрини 30-йиллар қаҳатчилиги ва иккинчи жаҳон уруши йилларини кўрган одамларчалик ҳеч ким яхши билмаса керак. Ўша даврларда колхозда ишлардик. Кунлик меҳнатимизга бир коса атала ёки 200-300 грамм зоғора нон беришарди. Бунинг учун эса, эрта тонгдан ярим кечгача ишлардик. Эсимда бор, қўшни қишлоқдан келган оч-наҳор одамлар чойхонанинг олдига келиб, нон, нон, деб жон берганини кўрганмиз. Ҳозир ўша воқеаларни эсласам, кўзимдан ёш чиқиб кетаверади. Бугунги кунлар тўкинлигидан шукр қилмасликнинг ўзи гуноҳ...

Мирислом УСМОНОВ: — Отамнинг эслашича, бувим бригададаги илғор колхозчилардан бўлган экан. Шунинг учун атала сузиб бўлингач, қозонни ялаш мукофоти у кишига бериларкан. Бувим ишлагани учун берилган бир коса атални уйга болаларига олиб келиб, ўзи эса эртасига яна ҳам кўпроқ ишлашга интиларкан...

... 50-йиллар охири, 60-йиллар бошида ҳам нон масаласи жуда оғир бўлиб қолганди. Эски шаҳардаги дўконга тонг отмасдан бориб, нонга навбатда турардик. Олсак-ку яхши, бўлмаса, уйга қандай юз билан борамиз, деб ўйлаб, изтироб чекканимизни эсласам, бугунги кундаги тўкин дастурхонимиз қадрига етиш ҳақида ўйлайман. Бу ҳақда ҳозирги ёшларга гапириб берсанг, уларга чўпчак айтганга ўхшаб туюлади...

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Биз бугун ғаллани сотиб олувчи мамлакатдан экспорт қилувчи давлатга айландик. Бундай шароитда жаҳон бозоридаги аҳволни таҳлил қилиб ишлаш, унга қараб иш юритиш табиий ҳолга айланди. **«Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик компаниясининг маркетинг бошқармаси бошлиғи Ғанижон САРМОНОВ** билан суҳбатимиз Ҳамдўстлик мамлакатларидаги ғалла бозорининг аҳволи ҳақида бўлди.

— 2002 йилга қадар Россия, Украина, Қозоғистон ғалла экспорт қилувчи мамлакатлар ҳисобланиб келинарди. Мана, сўнгги икки йилки, Ўзбекистон ҳам шундай давлатлар сафидан муқим жой олди. Биз ҳозир Тожикистон, Афғонистон ва Озорбайжонга ғалла экспорт қилаяпмиз.

Ҳамдўстлик мамлакатларидаги ғалла бозорини кузатишлар шуни кўрсатяптики, кейинги ҳар ҳафтада буғдойнинг нархи 3-5 фоизга ортмоқда. Масалан, ўтган йили Украинада ҳосил яхши бўлмади. Шунинг учун унинг қатор ҳудудларида ноннинг нархи кейинги пайтда 30-70 фоизга кўтарилиб кетди. Россиянинг айрим вилоятларида ҳам бу борадаги нарх-наво 10-15 фоизга ошаётганлиги кузатилмоқда. Қўшнимиз Тожикистонда ҳам ўтган йили ҳосилдорлик яхши бўлмади. Мамлакат эҳтиёжи учун зарур бўлган ғалланинг атиги учдан бири етиштирилди. Шу боис, қолган қисмини четдан олишга тўғри келяпти. Шу ўринда алоҳида қайд этишни истардим, Ўзбекистонда 2002 йилнинг декабридан буён ғалланинг ҳам, ун ва нон маҳсулотларининг ҳам нархи кўтарилгани йўқ. Бунга ғаллакорларимиз ва қайта ишловчиларнинг катта заҳмати ва оқилона иш юритиши ҳисобига эришиб келиняпти...

✧ ✧ ✧

...Биз мушоҳадаларимиз аввалида бир дона буғдой баҳосини билишни истаган эдик. Кўрдикки, унинг салмоғи биз ўйлагандан ҳам оғир, бебаҳо ва уни сўз билан таърифлаш мушкул экан. Бугун республикамизнинг 1,7 миллион гектар майдонида униб чиққан ғалла майсаларига қараб, кўнглимиз ғурур ва сурурга тўлади. Унинг ҳар бир ниҳоли тўлиқ етилиб, бошоққа айланса, ўз вақтида йиғиб олинса, мамлакатимиз аҳолисининг дастурхони доимо тўкин бўлади. Ана шу тўкинликдан айирмасин, илоҳо.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
журналист

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЎЗИ СОТУВЧИ... ЎЗИ ОЛУВЧИ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 27 сентябрь сонида эълон қилинган «Ўзи сотувчи... ўзи олувчи» номли мақолада ҳуқуқшунос Ҳ.Аҳмедов «Фарғонаулгуржисавдо» ОТАЖ фаолияти бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, Валижон Эргашевнинг ишдан ноҳақ бўшатилганлигини, суд унинг ишга тиклаш ҳақидаги даъвосини қаноатлантирмасдан, ишдан бўшатилишини қонуний деб топганлигини баён қилган.

Аниқланишича, В.Эргашев судга жавобгар «Фарғонаулгуржисавдо» ОТАЖга нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва 5.000.000 сўм миқдорида маънавий зарар ундириш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 7.03.2003 йилдаги ҳал қилув қарори билан В.Эргашевнинг даъвоси рад этилган. Мазкур фуқаролик иши даъвогарнинг шикоятига асосан вилоят судининг апелляция инстанциясида кўрилиб, 07.05.2003 йилдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний асосда ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 270-моддаси талабига кўра, ишга тиклаш низолари бўйича ходим у билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб, бир ой муддатда судга мурожаат қилиши лозим.

Касаба уюшмалари Фарғона вилоят кенгаши ҳамда вилоят прокуратураси томонидан даъвогарга ишга тиклаш масаласи юзасидан судга мурожаат қилиш мумкинлиги бир неча марта тушунтирилган бўлишига қарамасдан, даъвогар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 270-моддасида кўзда тутилган муддатларни узрсиз ўтказиб, орадан бир йил ўтгач, судга мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши» ҳақидаги 1998 йил 17 апрелдаги қарорининг 3-бандида судга мурожаат қилиш муддатининг узрсиз ўтказиб юборилганлиги даъвони рад қилишга асос бўлиши кўрсатилган.

Олий суд матбуот котиби

МЕҲР ЎЛЧОВИ

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББга қарашли «Маърифат» маданият уйида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва бир қанча ташкилотлар ҳамкорлигида истеъфодаги майор Людмила Мусаеванинг меҳр ва мурувват соҳасидаги фаолиятига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Узоқ йиллар ички ишлар соҳасида хизмат қилган Людмила Мусаева меҳрибонлик уйида тарбияланган. Шу сабаб у қўлидан келганича ёрдамга муҳтож кишиларга, айниқса, ота-онадан етим қолган ҳамда ногирон болаларга ўз инсонийлик меҳрини бағишлаб келади. У ўнлаб етим болаларни ўз бағрига олиб, уларга уйи тўридан жой берган.

Кечага меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари таклиф қилинди. Унда сўзга чиққанлар Людмила Мусаеванинг хизматлари меҳр-мурувват тушунчаларини фарзандларимиз онгига сингдиришда мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрли ишларга ҳамоҳанглигини таъкидлашди. Тадбир сўнггида эстрада юлдузларининг концерт дастури намойиш этилди.

Маъмуржон МАҲМУД

НУРОНИЙЛАР ФАХРИМИЗ

Машкура САФАЕВА, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси:

— Хабарингиз бор, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн учинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ва ҳар йилгидек бу йил ҳам асосий эътибор ижтимоий соҳага қаратилди. Мана сиҳатгоҳда сизларга яратилган шароит билан танишдик. Меҳр ва мурувват йилида бу борадаги ишлар янада кучайтирилади. Юртбошимиз 2004 йилнинг номланиши ҳақида тўхталиб шундай деган эдилар: **«Меҳр ва мурувват деганда, биз аввало, жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчиларидан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатишни тасаввур қиламиз...»** Бугунги қилинган ишлар мамлакатимиз раҳбари томонидан қўйилган талабларга амалий жавобдир.



Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси аъзоси:

— Мен бу ерда мамлакатимиз турли жабҳаларида ҳалол меҳнат қилган инсонларни кўриб турибман. Мана улар ўзлари экkан дарахт меваларидан баҳраманд бўлишмоқда. Бугун кексалик гаштини суриб, давлатнинг мана шундай ғамхўрликларига гувоҳ бўлиб туришибди. Кимдир сени йўқлаб келар экан, билгинки сен кимгадир кераксан. Биз ҳамиша фахрийларимиз насиҳатларига, маслаҳатларига эҳтиёж сезаверамиз. Партиямиз томонидан бошланган бу эзгу ишлар бардавом бўлишини истайман.

Алижон ЭРКАЕВ, Ўзбекистон халқ ҳофизи:

— Мен бугун бу ерга йиғилган улуғларимизнинг чеҳраларида юртга бўлган чуқур муҳаббатни туйдим. Бундай лицей, коллежларда ўқиш, сиҳатгоҳларда дам олиш кўпчилигимизга насиб этмаган. Мен ҳозир сизларга халқимизнинг маънавий мероси бўлган «Ушшоқ»ни ижро этиб бермоқчиман.

Бутун умримни санъатга, шу соҳадаги кадрларни тайёрлашга бағишладим. Меҳнатимни мустақиллик, Президентимиз қадрладилар, халқ ҳофизи унвонга сазовор бўлдим. Ўша бахтли онларда қолган умримни халқимга бағишлайман деб, ният қилдим. Бугунги учрашув ташкилотчиларига миннатдорчилик билдираман...

Машҳур қўшиқчининг ижро маҳоратидан тўлқинланган кексаларимиз ашулага жўр бўлиб, рақсга тушишди.

Гулнора ЖУМАНАЗАРОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидан, II гуруҳ ногирони:

— Очиғи, бугунги тадбирдан жуда миннатдор бўлдик. Бу учрашув ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Шифокорлар юрагимни текшириб, қандай дори-дармонлар билан даволанишим кераклигини ёзиб беришди. Сиҳатгоҳда биз учун барча шароитлар яратилган. Фақат марказдан четда бўлганлиги учун санъаткорлар кам келишаркан. Алижон Эркаевнинг қўшиқларини мириқиб эшитдик. ХДП раҳбарларига ҳам раҳмат.

Муҳиддин ҚУРБОНОВ, Фарғона вилояти Риштон туманидан, II жаҳон уруши қатнашчиси:

— Шунақа тадбирлар бошқа сиҳатгоҳларда, меҳрибонлик уйларида ҳам тез-тез ўтказилса яхши бўларди. Одам кексайгани сари ҳаётга муҳаббати ортавераркан. Мустақилликнинг буюк ўзгаришларига камарбаста бўлаётган, меҳр улашаётган барча-барчани дуо қиламан.

Сиҳатгоҳга ҳомийлар — Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк» ва «Соғлом авлод учун» жамғармасининг совғалари — иккита рангли телевизор топширилди.

Шунингдек, тадбирда «Гулистон» журнали бош муҳаррири, шоир Азим Суюн ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди. Хушовоз хонанда Жаҳонгир Ҳасанов, сўз усталари Орифжон Султонов ва Раҳмонали Сухробовларнинг чиқишлари кечага ўзгача файз киритди.

Ёшлар ҳузурида бошланган учрашув «Товоқсой» сиҳатгоҳида ниҳоясига етди. Таъкидлаш жоизки, бундай савобли, амалий ишлар ЎзХДП МК томонидан доимий равишда ўтказилиб борилади.

Бир сўз билан айтганда, ёшлар — умидимиз, нуронийлар — фахримиз эканлигини фақатгина таъкидлаш билан кўзланган манзилларга етиш мушкул. Амалий ишларимиз ила улар кўнглига йўл топишимиз, одамларга улашилган кичик меҳр, мурувват бутун жамиятда кенг қанот қоқишга ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



Қинғир иш — келтирар ташвиш

СОХТА ҲУЖЖАТ ВА 60 ГРАММ ТИЛЛА

ЁКИ НОҚОНУНИЙ ИШ ҚИЛИШНИНГ ОХИРИ ВОЙЛИГИ ҲАҚИДА

Инсон зоти борки, яхши яшашни хоҳлайди. Бунинг учун меҳнат қилади, елиб-югуради, ўқийди, изланади. Лекин айримлар...

Р.Бозоров Миллий банкнинг Кармана туман филиалида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Бировдан кам жойи йўқ. Лекин уни нафс балоси йўлдан урди. У кўрабила туриб қинғир ишга қўл урди. Ўз манфаати йўлида қонунга хилоф иш қилди.

Гап шундаки, Р.Бозоров хусусий тадбиркор Рўзимурод Тошев номидан сохта ҳужжатлар тузиб, 5036,0 минг сўмлик кирим ва 5035,9 минг сўмлик чиқим бўлди, дея молиявий операцияларни амалга оширган. Устига-устак, банк ходимлари 1300,0 минг сўм миқдоридаги накд пулларни ҳам кирим қилмаган. Бунинг натижасида хусусий тадбиркор манфаатига жиддий зарар етказилган.

Агар тадбиркорнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича фаолияти ўрганилмаганда, ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолавериши мумкин эди. Кўп ўтмай банк бўлим бошлиғи Р.Бозоровнинг сири фош бўлди.

Натижада унинг «фойда»сига жиноий иш очилди.

Хуллас, сохта ҳужжат билан ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам алдаган Р.Бозоров энди минг пушаймон.

Мана бу «ҳангома» ҳам қизиқ. Нурота туманидаги «Нурота» ширкат хўжалигида яшовчи Ражаббой Холиқовни тадбиркорликнинг янги «усули»ни кашф этганлар сирасига киритиш мумкин. У ўзининг уйида 60 грамм олтин кукунини харидорга сотаётганда қўлга тушди.

Тадбир қатнашчилари шу ернинг ўзидаёқ Ражаббой Холиқовга нисбатан ҳужжат расмийлаштирдилар. Нуроталик «тадбиркор»нинг фаолиятига шу тариқа чек қўйилди.

Учқудуқ туман «Мингбулоқ» ширкат хўжалиги бош чўпони К.Айхўжаевни кўпчилик қўй оғзидан чўп олмайди, деб ўйларди. Одамнинг оласи ичида, деганлари рост экан. «Жалақудуқ» бригадасида чорва моллари сақланиши юзасидан ўтказилган текширувда бу чўпоннинг кимлиги билинди-қолди. К.Айхўжаев ширкат хўжалигининг оз эмас, кўп эмас — 358 бош қўй-қўзисини «еб» юборибди. Энди бош чўпон нега бундай қилганини тегишли жойда айтиб беради.

Навоийлик Умид Пўлатов миясига келган фикрдан ўзи ҳам қувониб кетди: «Ароқ тайёрлаб сотаман. Жуда «ходовой» товар. Ҳеч ким билмайди».

У режасини амалга оширди. Ўз уйида қўлбола ароқ тайёрлаб, сота бошлади. Департамент ходимлари солиқчилар билан «янги завод»га «ҳорманг» га боришса 0,5 литрли 200 шиша ароқ харидорини кутиб турган экан.

«Завод»дан шунингдек, спирт ва ароқ шишалари, қопқоқлари далилий ашё сифатида олинди.

Хулоса шуки, қинғир ишнинг охири вой. Буни сохта ҳужжат тузган банк ходимлари ҳамда ғайриқонуний фаолият билан шуғулланган фуқаролар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шундай экан, ҳар бир инсон тўғри йўл саодатга элтиши, эгри йўл эса ташвиш келтиришини чуқур англамоғи керак.

Баҳром ЯКУБОВ, Навоий вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



БИРЛАШУВ БЎЙИЧА РЕФЕРЕНДУМ

Кипрнинг Греция томони Президенти Тассос Пападопулос ва Туркия томони етакчиси Рауф Денкташлар иккига бўлинган орол мамлакатни бирлаштириш бўйича БМТ Бош котиби Кофи Аннан ташаббуси ва режаси асосида олиб борилаётган музокараларни 19 февраль куни Никосияда давом эттирадилар. БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида олиб борилган томонларнинг 3 кунлик музокараларидан сўнг шундай қарорга келинди.

Агар музокаралар кўнгилдагидек ўтса ва режа Пападопулос ҳамда Денкташлар томонидан маъқулланса, 21 апрелда мамлакатни бирлаштириш бўйича референдум ўтказилади. 22 мартгача томонлар режага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиши, шунингдек, референдум саволлари бўйича якуний хулосага келишлари лозим. Агар улар бу борада бир тўхтамга кела олмасалар, 29 март куни Кофи Аннан Кипр учун кафолат берувчи мамлакатлар — Туркия ва Грецияни жалб этган ҳолда қўшимча музокаралар ўтказади. Шунда ҳам томонлар ўзаро келишолмаса, референдум кунини БМТнинг ўзи белгилайди.

Қисқаси, мақсад иккига ажралган мамлакатни 1 майгача бирлаштириш ва шундан сўнг Кипрнинг ягона давлат бўлиб Европа Иттифоқига аъзоликка қабул қилинишини таъминлашдан иборат.

Эслатиб ўтамиз: 1974 йили Кипрда греклар томонидан давлат тўнтариши содир этилгач, оролнинг шимолини Туркия қўшинлари эгаллаб олган ва шундай қилиб, мамлакат иккига бўлинган, дея хабар беради Британиянинг BBC телерадиокомпанияси.

ЁРДАМ СЎРАДИ

Украина маъмурияти мамлакатда кенг тарқалиб бораётган ОИТС (СПИД)га қарши курашда молиявий ёрдам беришларини сўраб, Европадаги сиёсий ва жамоат ташкилотларига мурожаат этди, дейилади Internetнинг «Газета.Ru» сайтидаги ахборотда.

Шу кунларда Украинада 62 минг киши ВИЧга чалинганлиги қайд этилган.

Экспертларнинг фикрича, 48 миллионлик аҳолига эга бу мамлакатда ОИТСга чалинганлар сони 400 минг кишини ташкил этиши мумкин. Бу эса аҳолининг 1 фоизига тенг.

ЯНА ТАБИИЙ ОФАТ ҲАҚИДА

Тинимсиз ёққан шаррос ёмғир натижасида Бразилияда 161 киши бевақт оламдан кўз юмди, 230 минг киши эса ўз уйларини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди, дейилади Reuters ахборотида.

Шу кунларда табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун мамлакат маъмурияти 339 миллион реал (116 миллион долларга тенг) маблағ ажратди. Миллий интеграция вазири Сиро Гомеснинг айтишича, бу маблағ энг аввало уйларни ва йўлларни тиклашга сарфланади.

Январдан буён тўхтамаётган ёмғир натижасида дарёлар ўзанидан тошиб кетди. Кўплаб кўприклар, йўллар, уйлар ундан зарар кўрди.

Мадагаскарга эса «Элита» дея номланган тропик довул январь охирида «бостириб» кирганлиги боис 29 киши ҳаётдан кўз юмди, 100 киши турли даражада тан жароҳати олди, 44 минг киши уй-жойсиз қолди.

Le Monde агентлигининг хабар беришича, Мадагаскар ҳукумати табиий офат талафотларини бартараф этишда дунё ҳамжамиятини кўмакка чақирди.

МАРСДА «ШУБҲАЛИ» ЗАРРАЛАР БОР ЭКАН

25 январь куни Марс сайёраси юзасига қўнган АҚШнинг Opportunity фазовий аппарати сайёра қатламида думалоқ зарралар борлигини аниқлади. Олимларнинг фикрича, бу думалоқ зарралар сув таъсири остида шаклланган бўлиши мумкин, дея хабар беради BBC News.

«Марсоход» сайёра қатламини манипулятор (мураккаб ҳаракатларни бажарувчи қурилма)га ўрнатилган махсус микроскоп ёрдамида текширмоқда. Махсус фотокамерада суратга олиниб, Ерга — олимларга жўнатилган тасвирда сайёра қатлами турли шаклдаги зарралардан таркиб топгани акс этган. Улар орасида думалоқлари ҳам учрайди. Мутахассисларнинг фикрича, бундай шакллар фақат ташқи таъсирлар ёрдамидагина шаклланади. Уларнинг биринчи фарази шу бўлдики, думалоқ зарралар сув оқими таъсирида пайдо бўлган бўлиши мумкин. Бундай тошлар оолитлар, дейилади. Бироқ, буни оолитлар дейиш ҳам шубҳали, негаки, улар Марс қатламида жуда оз. Бундан ташқари, оолитларда газ пуфакчалари ҳам бўлади, бунда эса ундай кўринишлар йўқ.

Иккинчи фараз: бу зарралар метеоритлар тушиши натижасида пайдо бўлгандир балки. Негаки, метеорит сайёра атмосферасига киргач, атмосферадаги ишқаланиш натижасида ундан бўлаклар ажралиб чиқади ва сайёра қатлами юзасига етиб келгунча силлиқ ва пуфакчали кўриниш ҳосил қилади.

Яна бир фараз шуки, бу зарралар вулқонлар отилишидан пайдо бўлган бўлиши ҳам мумкин. Лава бўлаклари совигач, шундай кўринишга келгандир, балки. Бундай думалоқ «тошлар» лапилли, дейилади.

Аммо, якуний гап шу: бу фаразларнинг бирортаси ҳозирча расмий тасдиғини олганича йўқ.

NASA фазовий тадқиқотлар агентлигининг хабар қилишича, шу йил 4 январда Марсга қўнган Spirit фазовий аппарати билан алоқалар тикланган. Маълумки, январь охирларида у билан алоқа узилган эди. Лойиҳа менежери Женифер Троспернинг айтишича, аппарат энди ҳар қандай топшириқни бажара олади.

МАЖБУРИЯТНИ ЗИММАЛАРИГА ОЛДИЛАР

БМТ 14 йил давом этган фуқаролар урушидан сўнг Либерияни қайта тиклаш ишига донор мамлакатлар эътиборини қаратди. Ва бу давлатлар кейинги 2 йилда 520 миллион долларлик маблағ ажратиш мажбуриятини зиммаларига олдилар.

БМТ бош котиби Кофи Аннаннинг таъкидлашича, Либерияда тинчлик ўрнатилиши — бу бутун ғарбий Африка ҳудудида барқарорликка эришиш демакдир. Эндиги асосий вазифалардан бири мамлакатда хавфсизликни таъминлаш, 50 минг собиқ жангчини ҳарбий хизматдан бўшатиш, мактаб, шифохона, ҳуқуқ органлари ишини қайта тиклашдан иборат. Уруш даврида 10 минглаб одамлар қурбон бўлди, юз минглаб кишилар эса уй-жойсиз қолди, бир қанчаси мамлакатдан бош олиб чиқиб кетди. Бундай шароитда мамлакат ўзини ўзи тиклай олмайди.

МУДОФАА БЮДЖЕТИДА КАМОМАД

Буюк Британия парламенти номидан иш кўраётган Миллий аудиторлик комиссияси мамлакат Мудофаа вазирлиги бюджетида уч миллиард фунтлик камомад борлигини аниқлади, дея хабар беради Guardian газетаси сайти. Шунча пул янги ҳарбий анжомлар сотиб олиш ва янги тизим воситаларини ишлаб чиқиш учун ортиқча сарфлаб юборилган. Ваҳоланки, янги тизим воситаларини ишлаб чиқиш ҳануз охиригача етказилмаган. Улар амалиётга қўллангунча бундай технология «эскириб», «мода»дан қолиб кетиши мумкин. Бу эса Мудофаа вазирлигида жиддий жанжаллар чиқишига сабаб бўлмоқда. Негаки, сўнгги пайтларда ҳарбий соҳани молиялашда, айниқса, Ироқдаги ҳарбийлар таъминотида етишмовчиликлар кўзга ташланиб қолмоқда.

Британия мудофаа саноатининг айрим лойиҳалари бўйича айниқса, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилган. Масалан, Eurofighter Typhoon қирувчи самолётини ишлаб чиқиш дастурига (2003 йилда мазкур лойиҳа бюджети 1 миллиард фунтга ошиб кетган), Astute таснифидаги сувости кемасига (бунга ҳам юқоридагига тенг миқдорда ортиқча пул сарфланган), Nimrod русумидаги денгиз разведкаси самолёти лойиҳасига ҳамда Brimstone русумли танкка қарши ракета ишлаб чиқариш лойиҳаларига (100 миллион фунт миқдорида) ортиқча сарф-харажатлар қилинганлиги аниқланган.

Astute русумидаги учта сувости кемаси лойиҳаси ҳам чўзилгандан-чўзилмоқда (у разведка ва махсус операциялар учун мўлжалланган). Лойиҳа бўйича у 2,7 миллиард фунтга тикланиши лозим эди. Аммо ўтган йили яна 1 миллиард фунт сарфланди. Кемани фойдаланишга топшириш муддати эса уч йилга кечикмоқда. Кема амалиётга татбиқ этилган тақдирдаям экспертлар энди унинг муваффақият қозонишига шубҳа билан қарамоқдалар.

Пентагон эса бу борада осонроқ йўлдан бормоқда. АҚШ эски сувости кемаларини қайта қуроллантириш дастурини ишлаб чиқди, яъни уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш шу кунларда тўлиқ амалга оширилмоқда.

Британиянинг Nimrod лойиҳаси эса 5 йилга кечикмоқда. Буюртма қилинган 18 та самолёт ҳануз охиригача қурилмаган. Танкка қарши юқори технологияли авиаракеталар яратиш дастури 3 йил олдин якунланиши лозим эди.

Армия таъминоти вазири Лорд Бах ўз маърузасида Миллий мудофаа компаниясидан (аввало BAE Systemsдан) ўз зиммасидаги юмушларни тезроқ якунлашни талаб этди. Акс ҳолда ўртада тузилган шартномалар бекор қилиниши мумкинлигини уқтирди.

Энди камомадни ёпиш учун айрим компаниялар, жумладан, Marta Bae Dynamics ўз маҳсулотларининг чорак қисмини экспортга сотишига тўғри келади.

Internet хабарлари асосида Абдунаим БОЗОРОВ тайёрлади.



Спорт

УЧИНЧИ УРИНИШ

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ 2006 ЙИЛИ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ГЕРМАНИЯДА ЎТАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИНИ БОШЛАЙДИ



Бу йил Ўзбекистон миллий терма жамоасини жиддий синовлар кутмоқда. Шулардан бири — 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари саналади. Футболчиларимиз чемпионат финал ўйинларига йўлланма олиш учун эса икки босқичдан иборат саралаш баҳсларида муваффақиятли тўп суришлари лозим бўлади. Хўш, бу борада вакилларимизнинг имкониятлари қандай?

Аввало шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 1998 ва 2002 йилги жаҳон чемпионатлари саралаш мусобақаларида ҳам қатнашган. Бироқ, дастлабки босқич саралаш учрашувларини муваффақиятли якунлаган ҳамюртларимиздан ҳал қилувчи баҳсларда омад юз ўгирган эди. Агар эсласангиз, қитъадошларимиз олдинги жаҳон чемпионатларида Осиё минтақасига ажратилган 3,5 та ўрин учун курашгандилар. Яна бир таъкид: Япония ва Жанубий Кореяда ўтказилган сўнгги жаҳон чемпионатида қитъамиз вакилларининг имкониятлари ФИФА томонидан юқори баҳоланди. Натижада 2002 йил охирида ўтказилган навбатдаги конгрессда ФИФА Осиё қитъаси давлатлари футболчиларининг Германияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида 4,5 та йўлланма учун баҳс юритишларини эълон қилди. Демак, шундай нуфузли мусобақада учинчи маротаба қатнашаётган терма жамоамиз учун амалда яхшигина имконият пайдо бўлди.

Қуръага кўра, дастлаб қитъамиздаги йигирма тўртта терма жамоа саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда кучли саккиз жамоа номини аниқлайди. Сўнгра саккиз терма жамоа икки гуруҳга бўлиниб баҳсларни давом эттиради. Омадли тўрт жамоа эса жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритади. Энг яхши натижага эришган бешинчи жамоа эса КОНКАКАФ минтақаси вакили билан ягона йўлланма учун плей-офф учрашувларида куч синашади.

Терма жамоамиз қуръага мувофиқ, дастлабки саралаш босқичининг иккинчи гуруҳидан жой олган. Бу гуруҳда футболчиларимиз Ироқ, Фаластин ҳамда Хитой-Тайпейи вакиллари билан баҳс юритади. Мутахассисларимиз терма жамоамизнинг бу гуруҳдан кейинги босқичга чиқиш имкониятларини юқори баҳолашмоқда. Тўғри, рақибларимиз — Фаластин ҳамда Хитой-Тайпейи футболи эндигина ривожланаётган давлатлар сирасига киради. Бироқ, Ироқ терма жамоасини улар қаторига қўшиб бўлмайди.

Ироқ футболчилари ўз тарихларида бир маротаба, яъни 1982 йили Испанияда ўтган жаҳон чемпионатида қатнашиш бахтига мушарраф бўлишган. Бундан ташқари, сўнгги йилларда мамлакатда нотинч вазият юзага келганлигига қарамасдан Ироқ терма жамоаси 2003 йилда «Осиёнинг энг яхши жамоаси», деган юксак номга сазовор бўлди. Қолаверса, ироқликлар шу йил ёзда Хитойда бўладиган Осиё кубоги финал баҳсларига ҳам йўлланмани қўлга киритган. Қуръага кўра, ҳамюртларимиз Осиё чемпионатида ҳам Ироқ терма жамоаси билан бир гуруҳдан жой олган. Айни пайтда Ироқ терма жамоасига германиялик таниқли мутахассис Бернд Штанге мураббийлик қилмоқда.

Эртага Ўзбекистон терма жамоаси саралаш турнирининг илк учрашувида Тошкентда айнан ироқликлар билан ўйнайди. Ироқ терма жамоаси ҳамюртларимизга қарши қандай таркибни майдонга туширишни аниқлаш мақсадида 12 февраль куни Токиода Япония терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди — 0:2.

— Гуруҳдаги барча терма жамоаларни ўзимиз учун жиддий рақиб санаймиз, — деди биз билан суҳбатда терма жамоамиз бош мураббийи Равшан Ҳайдаров. — Ҳамма учрашувда терма жамоамиз энг сара таркиб билан майдонга чиқади. Фақат дастлабки ўйинда легионерларимиз Олег Пашинин ҳамда Владимир Маминов («Локомотив» Москва, Россия)лар қатнаша олмайди. Чунки улар ўз жамоалари билан чемпионлар лигаси баҳсларига ҳозирлик кўришмоқда. Шунингдек, Андрей Фёдоров («Рубин», Қозон, Россия) ҳам жароҳат олган. Қолган барча легионерларимиз Қосимов, Шишелов, Акопянц, Ширшов, Карпенко, Сафонов, Хвостунов, Лушан, Гейнрих, Поляковлар машғулотларда қатнашаяпти. Максим Шацких («Динамо» Киев, Украина) бугун Тошкентга етиб келади. Бундан ташқари, «Пахтакор» жамоасидан саккиз нафар ўйинчини жалб этганмиз.

Кеча «Пахтакор» марказий стадионида машғулотлар олиб бораётган терма жамоамиз аъзолари билан суҳбатлашдик.

Владимир ШИШЕЛОВ («Зимбру», Кишинёв, Молдова):

— Жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳар бир футболчининг энг улкан орзуси. Шундай экан, мухлисларимизни хурсанд қилишга, чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш этишга ҳаракат қиламиз.

Миржалол ҚОСИМОВ, («Алания», Владикавказ, Россия):

— Ўтган йилги Осиё чемпионати саралаш учрашувларидан буён терма жамоа бирорта ҳам ўйин ўтказмаган. Шунга қарамай, футболчиларимизнинг кайфияти яхши. Ишонаманки, майдонда бир-биримиз билан тил топишиб, ишқибозларга қувонч улашамиз.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЙИНЛАР ТАҚВИМИ

18 февраль.	**Ўзбекистон** — Ироқ
31 март.	Хитой-Тайпейи — **Ўзбекистон**
9 июнь.	**Ўзбекистон** — Фаластин
8 август.	Фаластин — **Ўзбекистон**
13 август.	Ироқ — **Ўзбекистон**
17 ноябрь.	**Ўзбекистон** — Хитой-Тайпейи

Ҳикматли сўзлар маъноси

МЕВАЛИ ДАРАХТНИНГ БОШИ ХАМ

Хам — пастга эгилган, қуйи солинган. «Мевали дарахт ерга қараб эгилар, мевасиз дарахт кўкка қараб қаққаяр»; «Мевали дарахт ерга энгашар, мевасиз дарахт кўкка тармашар»; «Мевасиз дарахтнинг шохи тикка»; «Бошоқ боши қанча тиғиз бўлса, қадди шунча букилар». Бу мақоллар билан мажозан: «Ақлли, билимдон, олиму донишманд одам ўзини доимо камтар тутиб, бошини қуйи солиб юради, ўтиради, ўз илм-билимини ўзгаларга пеш қилмайди, оз гапириб, кўп тинглайди. Билимсиз, аҳмоқ, нодон, ношуд одам эса, аксинча, керилиб, кеккайиб, босар-тусарини билмай, ҳеч кимга гап бермай, ҳеч кимни менсимай юради ва бу билан ўз аҳмоқлигини, жоҳиллигини одамларга ўзўзидан аён қилади-қўяди», демоқчи бўладилар. Жамият бундай одамларнинг адабини беради, ўзидан четлаштиради, улар ўз ношудликлари туфайли ҳаёт машаққатларига дош беролмай. бамисоли ўтиндай ёқилиб, йўқ бўлиб кетадилар. Мақолда айтилганидек: «Мевасиз оғоч — ўтин, ёғинсиз булут — тутун»; «Мевасиз дарахт болтага дучор бўлади».

«ЎЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ» ОАЖ

Кузатув кенгаши 2004 йил 19 март соат 17-00 да акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлишини маълум қилади.

Кун тартиби:

1. «Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ Бошқарув раисини сайлаш.
2. 2004 йил Наврўз байрами муносабати билан тадбирлар белгилаб олиш.

Умумий йиғилиш ўтадиган манзил: Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 132-20-56.

Йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2004 йил 19 февраль билан ёпилади.

ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

АО «Тезкор-Соз» ставить на торги публичной оферты навес ОГМ и БРУ (бетон распределительный узел).

Телефон: 185-88-59.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ойниса Мусурмоновага онаси **ШАРОФАТ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Давлат Мулки Қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йил 19,23,26,30 март, 2,6,9,13,16,20,23,27,30 апрель кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Савдоларга Тошкент шаҳри ҳудудидаги қуйидаги манзилларда жойлашган ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи қўйилади. Ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошлангич нархларига ер участкасини лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш харажатлари қўшилган. Ҳужжатлар тўпламига қуйидагилар киради:

1. *Ер участкасининг чегараси.*
2. *Меъморий-лойиҳа вазифалари АПЗ-I, АПЗ- II.*
3. *Топографик съемка, масштаб 1:500.*
4. *Муҳандислик- геологик хулоса.*
5. *Шаҳарсозлик талаблари ва қурилаадиган бино эскиза.*

ЕР УЧАСТКАСИНИНГ ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ ВА САТҲИ,ГА	БИТТА ЕР УЧАСТКАСИНИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ, СЎМ	ҚУРИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН ИНШООТ
1	2	3
Акмал Икромов тумани		
Х.Турсунқулов кўчаси, 15-17 уйлар оралиғида, 0,05 га.	5 598 018	Минимаркет
25-мавзеда, 0,04 га.	4 594 068	Супермаркет
Лутфий кўчасида, 0,07 га.	7 171 218	2-қаватли савдо расталари
Ҳ.Турсунқулов кўчасида, 0,10 га.	11 411 268	Супермаркет
24-мавзеда, 0,01 га.	3 660 268	Минимаркет
24-мавзеда, 0,22 га.	20 919 468	Гузар мажмуаси
24-мавзеда, 0,04 га.	4 328 268	Маиший хизмат мажмуаси
Заргарлик кўчасида: - иккита, ҳар бири - 0,02 га.дан	3 717 768	Минимаркет ва савдо мажмуаси
- иккита, ҳар бири - 0,08 га.дан	8 113 068	
Сегизбоев кўчаси: - 39-уй ёнида, 0,04 га.	5 080 668	
- 36-уй ёнида, 0,03 га.	3 955 068	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси
- 36-уй ёнида, 0,04 га.	5 080 668	
- 27-уй ёнида, 0,06 га.	7 331 868	
Бектемир тумани		
Соловьев кўчасида - олтита, ҳар бири 0,02 га. дан	4 074 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
«Сувчи» даҳасида - иккита, ҳар бири 0,06 га. дан	5 132 268	
Х. Байқаро кўчасида, 0,02 га.	30 754 268	Автомобилар ювиш шохобчаси
Тошкент халқа йўлида, 0,18 га.	14 157 468	Мотел, ресторан
Лойихадаги Г-40,0 м (Ж.Астанов) кўчасида, 0,40 га.	100 913 468	Суюлтирилган газ ёнилғи қуйиш шаҳобчаси
Оҳангарон шоҳ кўчаси, «Сувчи» даҳасида, 0,03 га.	5 132 268	Савдо мажмуаси
Мирзо Улуғбек тумани		
Х.Абдуллаев кўчасида, 0,0784 га.	5 122 332	Супермаркет
Х.Абдуллаев кўчасида - тўртта, ҳар бири 0,06 га.	4 055 868	Икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Матқобилов кўчасида: 0,044 га.	5 415 628	
0,036 га.	4 536 108	Савдо ва маиший хизмат мажмуаси
0,035 га.	4 426 168	
0,06 га.	7 174 668	Музқаймоқ қаҳваҳонаси
Темур Малик кўчасида, 0,05 га.	31 007 268	Автоювиш шаҳобчаси
Буюк Ипак йўли кўчасида - учта, ҳар бири 0,02 га. дан	3 614 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Қодиров кўчаси, «Феруза» мавзесида: 0,05 га.	4 614 768	
0,08 га.	6 175 548	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари
- тўртта,ҳар бири 0,04 га. дан	3 807 468	
- учта,ҳар бири 0,07 га. дан	6 229 368	
Улуғбек шаҳарчасида, 0,01 га.	1 691 268	Дўкон ва сомсахона
Миробод тумани		
Бехтеров кўчасида, 0,045 га.	31 103 268	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуриш учун (муҳандислик иншоотларни кўчириш шарти билан)
Бехтерев кўчасида, 0,04 га.	4 258 268	Стомотология
Бехтерев кўчасида, 0,04 га.	4 258 268	Дорихона
Манжара кўчасида, 0,015 га.	3 895 068	Икки қаватли минимаркет
Янгизамон кўчасида - иккита, ҳар бири 0,02 га. дан	3 588 968	Дўкон ҳамда офис (мавжуд томорқа ва муҳандислик иншоотлари)
Кичик автомобиллар ҳалқа йўли ва Мироншоҳ кўчалари кесишувида, 0,02 га.	3 614 268	Минимаркет
«Кўйлиқ» даҳаси, 2-мавзеда, 0,20 га.	22 796 268	Тўйхона ва гузар
Юнусобод тумани		
19-мавзеда, 0,015 га.	4 102 443	Икки қаватли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси
«Марказ» даҳаси, 5-мавзеда, 0,02 га.	10 403 868	Савдо,маиший хизмат кўрсатиш ва овқатланиш мажмуаси
Тошкент автомобил ҳалқа йўли, 19-мавзеда бешта, ҳар бири 0,02 га. дан	3 919 708	Икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Мойқўрғон кўчасида, 0,02 га.	3 498 348	
А.Дониш кўчаси, 19-мавзеда, 0,02 га.	3 581 148	Икки қаватли офис, савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва овқатланиш мажмуаси
А.Дониш кўчаси, 12-мавзеда, 0,02 га.	3 669 468	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси
М.Мирзаев кўчаси, 19-мавзеда - учта, ҳар бири 0,04 га. дан	3 710 868	
Чимкент йўлида, 0,04 га.	5 293 268	
Мирзаахмедов кўчаси, 8-мавзеда, 0,02 га.	3 595 868	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси (муҳандислик тармоқларини кўчириш шарти билан)
«Ҳасанбой» даҳаси, 2-мавзеда: - 0,06 га.	3 592 188	Савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси
- 0,04 га.	3 448 668	
М.Мирзаев кўчаси, 13-мавзеда, 0,015 га.	4 801 068	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик тармоқларини кўчириш шарти билан)
М.Мирзаев кўчаси 13-мавзеда 0,02 га.	6 208 668	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Муродов кўчаси, 3-мавзеда, 0,02 га.	5 159 868	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик тармоқларини кўчириш шарти билан)
М.Мирзаев кўчасида, 0,02 га.	6 208 668	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Тошкент ҳалқа автомобил йўлида - ўн иккита, ҳар бири 0,04 га. дан	4 902 268	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қатори
Собир Раҳимов тумани		
Юнусов кўчасида (банк коллежи рўпарасида), 0,06 га.	3 890 268	Икки қаватли қаҳвахона
Юнусов кўчасида (банк коллежи рўпарасида), 0,04 га.	3 669 468	Икки қаватли дўкон
Сағбон кўчасида- иккита 0,06 га. дан	8 885 868	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумовқатланиш мажмуалари
Сағбон ва Зиёмов кўчалари бурчагида, 0,20га	20 551 468	Савдо-маиший, умумий овқатланиш мажмуаси
Чилонзор тумани		
3-мавзеда, 0,03 га.	4 787 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (чиқиндиларни йиғиш майдончасини кўчириш шарти билан)
1-мавзеда, 0,025 га.	3 706 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
1-мавзеда, 0,027 га.	3 956 508	Савдо дўкони
3-мавзеда, 0,015 га.	3 735 018	
3-мавзеда, 0,036 га.	5 629 068	Ёзги қаҳвахона
16-мавзеда, 0,045 га.	6 446 718	Икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан)
16-мавзеда, 0,04 га.	5 794 668	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
16-мавзеда - иккита, ҳар бири 0,015 га. дан	3 708 108	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик иншоотларини кўчириш шарти билан)
«И-24» мавзесида, 0,018 га	3 608 748	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (кам қувватли электр тармоғини кўчириш шарти билан)
С.Юсупов кўчасида - олтита, ҳар бири 0,018 га.дан	2 480 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш растаси
Ҳамза тумани		
Паркент йўли ва Лисунов кўчалари кесишувида, 0,05 га.	4 839 018	Гузар, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Паркент йўли ва Лисунов кўчалари кесишувида, 0,05 га.	10 100 268	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш
Паркент йўли ва Лисунов кўчалари кесишувида, 0,35 га.	33 905 268	Минизавод
З.Шамсудинова кўчасида, 0,03 га.	3 645 318	Қаҳвахона-ошхона
З.Шамсудинова кўчасида, 0,03 га.	3 645 318	Маиший хизмат мажмуаси
Элбек кўчасида, 0,03 га.	3 821 268	
Элбек кўчасида, 0,03 га.	3 821 268	Қаҳвахона
Фонвизин ва Лисунов кўчалари,Қорасув канали ёнида, 0,16 га.	7 496 668	Соғламлаштириш маркази
Оҳангорон шоҳ кўчасида, 0,40	38 666 268	Минизавод
Оҳангорон шоҳ кўчасида, 0,02 га.	3 625 308	Дўкон
Кадишев ва Сивец кўчалари кесишувида, 0,03 га.	3 750 888	Ошхона (енгил турда)
Кадишев ва Сивец кўчалари кесишувида, 0,03 га.	3 766 068	Маиший хизмат биноси
Лисунова ва Иззат кўчаларида, 0,03 га.	3 574 938	Минимаркет
Кадишев кўчасида, 0,03 га.	3 574 938	Офис ва дўкон
Бирлашган ва Кадишев кўчалари чорраҳасида, 0,03 га.	3 574 938	Маиший хизмат мажмуаси
Шайхонтоҳур тумани		
Белтепа-Жарариқ мавзеларида: - 0,04 га.	4 759 668	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
0,03 га.	3 714 318	
Фаробий кўчасида, 0,20 га.	9 065 268	Икки қаватли саломатлик маркази
Белтепа мавзеси, Тошкент автомобил ҳалқа йўлида, 0,04 га.	3 664 868	Икки қаватли савдо дўкони
Белтепа мавзеси, Тошкент автомобил ҳалқа йўлида, 0,06 га.	5 595 948	Икки қаватли қурилиш молари дўкони
О.Содиқов кўчасида, 0,06 га.	4 628 268	Маросимлар уйи
Хуршид кўчасида, 0,04 га.	7 386 268	Офис, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
«Чорсу» мавзесида, 0,02 га.	7 087 268	Озиқ-овқат дўкони
Уйғур кучаси, Янги шаҳар маҳалласида, 0,16га	10 672 508	Ишлаб чиқариш корхонаси
Ғ.Ғулом кўчасида, 0,04 га.	10 606 268	Икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Есенин ва Вурғун кўчалари кесишувида, 0,0096 га.	3 025 468	Савдо дўкони
Яккасарой тумани		
«Бошлиқ» мавзесида, 0,003 га.	743 868	Сартарошхона
Оқ йўл кўчасида, 0,06 га.	5 442 768	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси
Усмон Носир кўчасида, 0,20 га.	11 618 268	2-3 қаватли савдо, маиший ва умумий овқатланиш мажмуаси
Сергели тумани		
Сергели кўчаси, «Сергели» даҳаси, 3-мавзеда, 0,054 га.	5 012 208	Умумий овқатланиш мажмуаси ва дўкон
«Спутник» даҳаси, 10-мавзе, Смоленск кўчасида, 0,08 га.	5 576 268	Икки қаватли ошхона ва чойхона
«Кўйлиқ» даҳаси, 5-мавзе, Ким-Пен-Хва кўчаси, 0,01 га.	2 832 268	Фитобар ва дўкон

Шунингдек, савдоларга банкрот деб эълон қилинган «Литейшик» ширкатига қарашли «XIN TUO» русумли минитрактор қўйилади. Бошланғич нархи — 3 327 492 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан бир кун аввал соат 18.00 да, минитракторга савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкасининг бошланғич нархдан 5 фоизи, минитрактор учун — бошланғич нархдан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Ilhom KAROMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 365

13069 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.20
2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA